Ушбу сонда:
2 ТИЙИННИ ТЕЖАЙМАН ДЕБ миллионларни бой бераётганлар
3 СОҒЛОМ АВЛОД – ЮРТ КЕЛАЖАГИ
4 ШАНБА — ДАМ ОЛИШ САҲИФАСИ

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ. ОЛИЙ БАХТ
ГАЗЕТА 1991 ЙИЛ 21 МАРТДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2003 йил 20 сентябр, шанба № 148 (1573)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

НАВБАТ ҚАДОҚЛАШ ЦЕХИГА

"Қонликўлгуруч" акциядорлик жамияти қошида кунгабоқар ва кунжут ёғи ишлаб чиқарувчи цех ишга тушди.

- Янги цех "Ғаллабанк"нинг Қорақалпоғистон филиали томонидан олинган кредит ҳисобига очилди,- деди жамият раиси Турсунбой Содиқов. - Кредитга Россияда ишлаб чиқарилган ускуналар, хомашё олиб келиниб, цех иморати таъмирланди. Бугунги кунда цехда кунига 5 тонна хомашё қайта ишланиб, 1,5 тоннадан зиёд ёғ ишлаб чиқарилмоқда. Натижада, 12 киши иш билан таъминланди.

Т.Содиқовнинг таъкидлашича, келгуси йилда ишлаб чиқарилган маҳсулотларни қадоқлаш цехини ишга тушириш режалаштирилмоқда. Бу нафақат Қонликўл тумани, балки қўшни Қўнғирот, Мўйноқ, Шуманай туманлари аҳолисини ҳам кунгабоқар ва кунжут ёғи билан таъминлаш имкониятини беради.

"Туркистон-пресс"

МДҲНИНГ ЯЛТА САММИТИ

ЯЛТА, 19 сентябр. (ЎзА махсус мухбири Анвар Бобоев хабар қилади).

Бугун эрталаб Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Украина Президенти Леонид Кучма билан учрашди.

Мулоқот асосан Ўзбекистон билан Украина ўртасидаги ҳамкорликнинг истиқболига бағишланди.

Шундан сўнг Президент Ислом Каримов МДҲ саммитининг асосий воқеалари бўлиб ўтадиган Ливадия саройига йўл олди.

Ливадия саройида аввал МДҲ Давлат раҳбарлари кенгашининг тор доирадаги учрашуви бўлиб ўтди. Унда МДҲ доирасида интеграция жараёнини чуқурлаштиришга, ўзаро иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий алоқаларни янада кенгайтиришга оид масалалар муҳокама этилди.

Давлат раҳбарлари кенгашининг кенгайтирилган таркибдаги мажлисини Украина Президенти Леонид Кучма очди.

Саммитда кўрилган масалалар кўлами кенг. Бироқ муҳокама этилган масалаларнинг асосий қисми давлатлар ўртасида иқтисодий ҳамкорликни кенгайтиришга бағишланди. Президентлар 2010 йилгача иқтисодиёт соҳасидаги ўта муҳим чора-тадбирларни амалга ошириш режасини тасдиқлади. Мазкур ҳужжат Ҳамдўстлик ҳудудида эркин савдо зонасини яратиш ҳамда ёқилғи-энергетика, транспорт ва бошқа соҳаларда ҳамкорликни фаоллаштиришни кўзда тутади.

Саммитда МДҲ органлари фаолияти, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий соҳаларда ҳамкорликни кенгайтиришга бағишланган масалалар муҳокама қилинди.

Бу йил МДҲ тузилганига ўн икки йил тўлади. Саммит иштирокчилари ана шу ўтган даврда тузилма доирасида қилинган ишлар ва олдинда турган вазифалар, ҳал қилинмаган муаммолар хусусида фикрлашди.

МДҲ ҳақида гап кетганда, унинг Ҳамдўстликка кирувчи мустақил давлатлар тарихида тутган ўрни ҳақида ҳам айтиб ўтиш жоиз. Зеро, орадан ўн икки йил ўтиб, МДҲ бизга нима берди, деган савол туғилиши табиий. Президент Ислом Каримов саммитга жўнаб кетиш олдидан Тошкент аэропортида журналистларга берган интервьюсида ушбу саволга қуйидагича жавоб берди.

- МДҲ фаолиятининг ижобий томонлари кўп. У собиқ империя парчаланганда кейин эски тузум сарқитларини тугатишга ҳисса қўшди.

Парчаланган империя ўрнида мустақил давлатлар юзага келди. Лекин, улар ўртасида турли соҳалар бўйича, жумладан, иқтисодий, сиёсий, ижтимоий, маданий алоқалар узилиб қолмади. Халқларимиз ўртасида ўзаро борди-келди тўхтаб қолгани йўқ. Буларнинг барчаси МДҲнинг ижобий томонларидир.

Таассуфки, Ҳамдўстлик саммитларида сиёсий ва ҳарбий масалаларга кўпроқ эътибор бериб келинди. Шу мақсадда талайгина ҳужжатлар имзоланди. Биз эса ташкилотнинг иқтисодий фаолиятидан кўпроқ манфаатдормиз.

МДҲ Давлат раҳбарлари кенгашининг бу галги мажлиси ҳисоб бўйича ўттиз олтинчиси. Ана шу учрашувлар давомида юзлаб ҳужжат имзоланган. Уларнинг барчаси ҳам ҳаётга жорий қилиндими ва самара беряптими? Бу саволга аниқ жавоб бериш қийин, албатта. Бироқ, шу маълумки, МДҲга аъзо мамлакатлар турли соҳадаги ўзаро алоқаларни, турли даражада бўлса-да, давом эттириш, қўллаб-қувватлаш ва ривожлантиришга ҳаракат қилмоқда.

Шу маънода МДҲнинг Ялтада бўлиб ўтган навбатдаги саммити иқтисодий ҳамкорлик масалаларига кенг эътибор берилганлиги билан аҳамиятлидир.

(ЎзА)

ТЕННИС МАМЛАКАТИДА ЯНА ОСИЁ ЧЕМПИОНАТИ

Мамлакатимизда кўплаб халқаро ва маҳаллий теннис мусобақаларининг ўтказилиши, ёшлар орасида бу спорт турининг янада оммалашувига сабаб бўлди. Ҳақли равишда Ўзбекистон теннис мамлакатига айланди.

Айни кунларда Тошкент яна бир нуфузли теннис мусобақасига тайёргарлик кўрмоқда. Шу йилнинг 21-28 сентябр кунлари Осиё теннис федерацияси (ОТФ) пойтахтимизда қитъа чемпионатини ўтқазади. Мазкур ташкилот қароргоҳи Сингапурда жойлашган. Унга Осиёнинг қирқдан зиёд мамлакати аъзо. Қитъанинг теннис федерацияси Шарқий, Марказий ва Жануби-Шарқий Осиё минтақаларига бўлинади. Ҳар бир минтақани ОТФ вице-президентлари бошқаради. Тошкент шаҳар ҳокими Рустам Шоабдураҳмонов Марказий Осиё минтақаси бўйича ОТФ вице-президенти ҳисобланади.

Ўтган йили ОТФ маъмурлари мамлакатимизда теннисни ривожлантириш борасида амалга оширилаётган ишларни юқори баҳолаб, Ўзбекистонга уч йил давомида Осиё чемпионатига мезбонлик қилиш ҳуқуқини берган эди. Шундай қилиб, Ўзбекистон бутун Шарқий Осиёда қитъа чемпионатига биричи бўлиб мезбонлик қилган давлат сифатида тарихга кирди. Ушбу нуфузли мусобақага 1972 йилда Гонконгда асос солинган. Чемпионат биринчи марта ҳаваскор теннисчилар ўртасида ташкил этилган эди. ОТФга аъзо 17 мамлакатдан ўн иккитаси ўз спортчиларини биринчи Осиё чемпионатида иштирок этиш учун юборган. 1989 йилдан эътиборан, мусобақаларга профессионал теннисчилар ҳам таклиф этилган. 2002 йилнинг 14-20 октябр кунлари Тошкент теннис маркази кортларида ўтказилган Осиё чемпионатида қитъамизнинг ўн тўрт мамлакатидан келган теннисчилар ўзаро беллашган эди. «Тошкентда ўтказилган Осиё чемпионати жуда юқори даражада ташкил этилди», деган эди Осиё теннис федерацияси президенти Ичи Коватей ўшанда. Бу галгиси ҳам жуда юқори савияда ташкил этилмоқда. Ғолиблик учун кураш ҳам ўтган йилгига нисбатан анча кескин ва муросасиз кечиши кутилмоқда. Буни мусобақага келаётган ракетка усталарининг сони тобора ошиб бораётганидан билиш мумкин. 21 сентябр куни бошланиб, бир ҳафта давом этадиган катта теннис байрамида қитъамизнинг йигирмага яқин давлатидан маҳоратли теннисчилар иштирок этади.

(ЎзА)

Президент Ислом Каримов ташаббуси билан мамлакатимизда буюк аждодларимиз меросини чуқур ўрганиш, хотирасини эъзозлаш ва абадийлаштиришга алоҳида эътибор каратилаётир. Иккинчи чақириқ Олий Мажлиснинг тўккизинчи сессиясида давлатимиз раҳбари миллатимизнинг фахру ғурури Алишер Навоийнинг Хиротдаги қабр-мақбарасини, бошқа улуғ аждодларимиз қабрини, қадамжоларини ободонлаштириш ташаббусини илгари сурган эди.

ХАЙРЛИ ИШЛАР ДАВОМ ЭТАДИ

Афғонистонда узоқ йиллар давом этган уруш оқибатида бобокалонимиз мангу қўним топган гўша қаровсиз аҳволга келиб қолган. Олий Мажлис ва ҳукуматимиз томонидан қабул қилинган бир қанча ҳужжатларда ана шундай қадамжолар ва мақбараларни таъмирлаш, атрофини ободонлаштириш кўзда тутилган.

Бу борада фидойи ҳамюртимиз, Олий Мажлис депутати Зокиржон Машрабов раҳбарлик қилаётган Бобур номидаги халқаро жамғарма катта ишлар қилмоқда. Мазкур жамғарма яқинда Афғонистонга навбатдаги илмий сафар уюштирди. Аждодларимиз хоки ётган қадамжолар, уларнинг илмий меросига оид янги маълумотлар тўплади. Йиғилган маълумотлар асосида илмий, бадиий асарлар, ҳужжатли фильмлар яратилмоқда.

Шуниси эътиборлики, Юртбошимиз раҳнамолигида амалга оширилаётган бундай хайрли ишлар халқаро миқёсда қўллаб-қувватланмоқда. Хусусан, ЮНЕСКО каби нуфузли ташкилотларнинг диққатини жалб этаётир.

Республика «Маънавият ва маърифат» марказида бўлиб ўтган йиғилишда ана шулар ҳақида сўз юритилди. Унда сўзга чиққан халқ шоирлари, Ўзбекистон Қаҳрамонлари А.Орипов, Э.Воҳидов ва бошқалар хоки поклари мамлакатимиз ҳудудидан ташқарида қолган аждодларимиз қабрларини аниқлаш ва ободонлаштириш ишларини янада тезлаштириш, бундай хайрли юмушларга кенг жамоатчиликни, зиёлиларни жалб этиш зарурлигини алоҳида таъкидлади.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов сўзга чиқди.

(ЎзА)

Тармоқ касаба уюшма қўмиталарида

Моддий ва маънавий рағбат, меҳнатдан манфаатдорлик ютуқлар омили эканлиги сир эмас. Буни айни кунларда тармоқ ходимларимиз, айникса, йўл қурувчиларимиз олиб бораётган улкан бунёдкорлик ишларидан ҳам билиш мумкин. Айникса, уларнинг Қамчик довони ҳамда Тошкент кичик халқа йўлининг 8 километрлик бўлимида фидойилик билан меҳнат қилганлари диққатга сазовордир. Муҳими, бу каби ишлар юқори сифат билан адо этилмоқда.

МЕҲНАТ ҚУВОНЧ КЕЛТИРСА...

Бугун вилоятимиз ҳудудидаги йўлларда кенг кўламда олиб борилаётган таъмирлаш, қурилиш ишларининг гувоҳи бўлиш мумкин. Бундай ободончилик, йўлларимизни жаҳон талабларига мослаштириш қурувчиларимизнинг доимий ишига айланиб қолди. Масалан, Қуйи Чирчиқ тумани маркази – Дўстобддаги автошохбекат биноси ва майдонларини капитал таъмирлаш ва йўлларнинг бир қисмига асфальт ётқизиш ишлари «Тошавтойўл» бунёдкорлари томонидан бажарилди. Бунда 9 миллион сўмлик маблағ ўзлаштирилди.

Бугунги кунга келиб тармоқ ходимлари сони 14 минг 471 нафар киши, бошланғич ташкилотларимиз сони эса 73 тага етди. Уларни доимий равишда рағбатлантириб бориш, қулай ва хавфсиз иш шароитларини яратиш касаба уюшмаларининг асосий вазифаларидан ҳисобланади. Шу боис жорий йилнинг ўтган ойлари мобайнида ходимларимизга 2 миллион 338 минг сўм миқдорида моддий ёрдам кўрсатилди. Санаторийларга 145 та, дам олиш уйларига 42 та йўлланма ажратилди.

Ўтган ёз мавсумида касаба уюшма аъзоларимизнинг фарзандларини соғломлаштириш масаласи ҳам диққат марказимизда бўлди. Сўлим табиат қўйнида жойлашган «Йўлчи» соғломлаштириш масканида уч босқичда 1062 нафар ўғил-қиз соғломлаштирилди. Улардан 244 нафари Оролбўйи болаларидир. Ҳар йилгидан фарқли равишда бу йил болаларнинг истеъмол қиладиган таомлари сифатини яхшилаш учун қўшимча маблағ ажратилди. Шунингдек, болажонларга ҳар куни шифобахш минерал сувлар тарқатилди. Уларнинг бўш вақтлари турли хил спорт мусобақалари, маданий тадбирлар, тўгарак машғулотлари билан мазмунли ўтди.

«Тошавтойўл» корхонаси маъмурияти ва касаба уюшма қўмитаси ташаббуси билан август ойининг охирида тармоқда узоқ йиллар меҳнат қилган фахрийлардан 21 нафари бир пиёла чойга таклиф этилди. Уларга кўп йиллик самарали меҳнатлари учун ташаккур билдирилиб, эсдалик совғалари тақдим этилди.

Ўз фаолиятида кишиларга ғамхўрликни асосий вазифа қилиб белгилаб олган тармоқ касаба уюшма ходимлари ишни жамоа шартномаси асосида ташкил этиб, янада кўпроқ ташкилий, оммавий ишларни олиб боришни режалаштирган. Бундай тадбирлар одамларга қувонч келтираётганлиги ғайратимизни янада оширади.

Баҳодир ЖЎРАБОЕВ,
Автомобил транспорти ва йўл хўжалиги ходимлари касаба уюшма Тошкент вилояти қўмитаси раиси

«ДЎППИ ТОР КЕЛГАНДА»

«Ишонч»га жавоб берадилар

«Ишонч» газетасининг 2003 йил 18 январ сонида чоп этилган «Дўппи тор келганда» сарлавҳали мақолада Мирзаобод тумани машина-трактор парки маъмурий биносини таъмирлаш йўлидаги айрим нуқсонлар ва сансалорликларга эътибор қаратилган эди.

Куни кеча таҳририят Сирдарё вилоят ҳокимлигидан ушбу мақола юзасидан жавоб хатини олди. Қуйида унинг матнини тўлалигича келтирамиз:

Мақола туман ҳокимлигининг кенгайтирилган йиғилишида муҳокама қилинди. Унда келтирилган далиллар асосан ўз исботини топди.

Туман маданият бўлими мудири О.Ҳамидов меҳнат таътилида бўлганлиги боис, бу вазифа вақтинчалик кутубхоначилар зиммасига юклатилган. Газетанинг танқидий чиқишидан сўнг йўл қўйилган камчиликлар бартараф этилди. Эндиликда МТПда филиал эмас, балки кўчма кутубхона ташкил этилди. Таъмир ишларида қатнашаётганларга ҳафтанинг бир кунида кутубхона хизмати кўрсатяпти. МТПни ташландиқ ҳолатга келтирган ва иқтисодий қийинчилик туғдирган ҳамда талон-торожликка йўл қўйган шахслар туман прокуратураси томонидан тегишли жазога тортилганлиги сабаблари янги раҳбарият зиммасига ободонлаштириш, ишчиларга шарт-шароит яратиш қатъий вазифа қилиб қўйилди.

Туман ҳокими ўринбосарлари Р.Анорбоев, У.Маллаевларга берилган топшириқларни нотўғри таҳлил қилганликлари учун ҳайфсан берилди.

Бундай ҳолатлар вилоятда қайта такрорланмаслиги учун барча туман, шаҳар ҳокимликларига огоҳлантириш хати юборилди.

К.ОҚБЎТАЕВ,
Сирдарё вилояти ҳокими ўринбосари

ЎСМИРЛАРНИНГ РЕПРОДУКТИВ САЛОМАТЛИГИ

Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси ва БМТ Аҳолишунослик жамғармасининг (UNFPA) «Ўсмирларнинг репродуктив саломатлигини сиёсий ва ижтимоий қўллаб-қувватлашни ошириш» деб номланувчи қўшма лойиҳаси иш бошлади. У Самарқанд ва Хоразм вилоятларида амалга оширилмоқда.

- Лойиҳанинг асосий мақсади ўсмирлар, айникса, қизларнинг репродуктив саломатлигини муҳофаза қилиш, ёшлар ва ўсмирларнинг ахборот ва ҳуқуқий майдонини кенгайтиришдир,- деди лойиҳанинг мувофиқлаштирувчиси Э.Бобоева. - Уни амалга ошириш ишларига маҳалла, ёшлар ва хотин-қизлар ташкилотлари фаоллари, оммавий ахборот воситалари ходимлари жалб этилади.

(ЎзА)

МАИШИЙ ХИЗМАТ

Андижон туманида қандай ташкил этилган?

Баъзида Андижон туман маркази Куйганёр мавзеи билан вилоят пойтахтини фарклаш қийин кечади. Наманган-Куйганёр катта магистрал трассасида, гуллар чамани оғушида машиналар дарёдек оқмоқда. Сувга лиммо-лим катта Фарғона канали бош ўзанидаги маҳобатли кўприк, сохилда қад кўтарган мухташам оталар чойхонаси туну кун чойхўрлар билан гавжум. Йўл бўйидаги касб-ҳунар коллежи, кўш каватли банк, прокуратура, суд бинолари, канал ёқасидаги кўм-кўк дарахтларга бурканган нуронийлар сиҳатгоҳи кўзни қувонтиради.

Юзлаб савдо дўконлари пештахталарига терилган ранг-ранг халқ истеъмол моллари қуёш нурида товланмоқда. Ҳозирда туманда 6 та қўшма корхона фаолият кўрсатмоқда. Яқинда газ ҳисоблагичлар ишлаб чиқарадиган яна бир корхона улар сафига қўшилди. Ун тайёрлайдиган қўшма корхона ҳам жорий йилда иш бошлади. Натижада кейинги йилларда 3000 га яқин янги иш ўринлари яратилди. «Кўш ариқ» маҳалла фуқаролар йиғинининг янги биноси замонавий меъморий кўриниши билан ажралиб турибди. Ҳайкан қишлоғида 400 ўринли мактаб биноси бугун-эрта болаларни бағрига чорлайди. Ана шу хайрли ишларнинг ҳаммаси андижонликларнинг ҳеч кимдан кам бўлмаган фаровон, тўқ ҳаёт кечириши учун қилинаётган ғамхўрлик натижасидир.

Шундай бўлиши табиий. Негаки, Андижон тумани аҳоли зич яшайдиган аграр саноат марказларидан биридир. 10 та қишлоқ фуқаролар йиғинида қарийб 190 минг нафарга яқин аҳоли истиқомат қилади.

Бир товуққа ҳам дон, ҳам сув керак, деганларидек, аҳолининг турмуш фаровонлигини ошириш учун хусусий маиший хизматни талаб даражасига кўтариш керак. Таҳлиллар жойларда бу борада муаммолар етарли эканлигини исботламоқда. Туман ҳокимлигида ижтимоий соҳа бўйича бош мутахассис Бахтиёржон Абдуллаев билан маиший хизмат соҳасидаги ислоҳотларнинг бориши ҳақида мулоқотга киришамиз. Маълум бўлишича, 423 та маиший хизмат кўрсатиш шохобчаси аҳоли хизматида. Афсуски, соатсозлик, чарм ва галантерея буюмларини таъмирлаш устахоналари, шунингдек, кир ювиш, кийим-бошларга кимёвий ишлов бериш цехлари бор-йўқлиги ҳақидаги саволларимиз жавобсиз қолди. Аҳвол шундай экан, ана шу муаммо билан юрган мижозлар қаёққа бош уради деган савол туғилади.

Албатта, уларнинг кайфияти бузилиб, йўл кира харажат қилиб, бунинг устига вақт бой бериб Андижон шаҳрига қатнашдан бошқа чораси қолмайди. Маиший хизмат кўрсатиш тизимининг муҳим бўғини коммунал хизмат соҳасининг кузги-қишки мавсумга тайёргарлиги билан қизиқдик.

2003 йилнинг биринчи ярим йиллик кўрсатгичлари бўйича режага кўра, битта қозонхона капитал таъмирланган. 14 та қозонхона жорий таъмирланиш ўрнига, 12 таси қўлдан чиқарилиб, топшириқ 90 фоизга уддаланган. Иссиқлик узатиш тармоқларидаги созлаш ишлари суткашлик билан олиб борилмоқда. 150 метр узунликдаги иншоотлардан 80 метри мавсумга тайёр холос. Сув қувурларини созлаш ишлари чўзилиб кетмоқда. 50 метр узунликдаги сантехника иншоотлари шундайлигича турибди. Айниқса, қаттиқ ва суюқ ёқилғи ҳозирлаш ишларини молиялаштиришдаги муаммо ҳал қилинмаётир.

Бугунгача кўмир жамғариш топшириғи 33 фоизга, суюқ ёқилғи атиги 10 фоизда қолиб кетганлиги боиси ҳам шундан. Туман газ таъминоти идораси, «Сувоқава» ишлаб чиқариш корхонаси раҳбарлари эса ваъдабозликдан нарига ўтмаётир.

Маиший хизматни йўлга қўйилиши юзасидан аҳволни ўрганиш учун жойларда бўлишга тўғри келди. Оқ ёр қишлоқ фуқаролар йиғинида 20 мингга яқин фуқаролар яшайди. Улар 4744 та оилага уюшган. Ҳудудда 4 та умумтаълим мактаби, 7 та тиббиёт шохобчаси, 4 та болалар боғчаси жойлашган. 6 та пойабзал тузатиш, 2 та «зангори экран» устахонаси, сартарошхоналар маълумотда келтирилган. Янги тўқув корхонаси, тадбиркорлик бўйича хусусий ишхоналар очилиш ҳисобига 100 та янги иш ўрни яратилганлиги яхши, албатта. Аммо маиший хизмат тармоқлари, электр энергия, сув, табиий газ таъминоти қандай аҳволда? Йиғин раиси Абдулҳафиз Ҳакимов билан ана шулар ҳақида саволжавоб қилаётганимизда, «Нухатак» маҳалласининг оқсоқоли Қўшоқбой ака Давронов ташвишли қиёфада кириб келди. Раис билан оқсоқолнинг суҳбатида сув таъминоти ночорлиги аён бўлди. Оқсоқолнинг куюнганича бор эди. Касб-ҳунар коллежи, мактаб, болалар боғчасида сув таъминотида узилишлар бўлаётганди.

Аҳоли томорқасидаги қовжираган экинлар, дов-дарахтлар, маҳалладаги гулзорларнинг аҳволи оқсоқолни йиғин биносига етаклаб келганди. Билсак, сув йўлларини тўташтирувчи металл қувурларнинг монтажи учун кўтарма кран топилмаётган экан. Сув таъминотидаги ушбу муаммолар кузгача чўзилиб келнибди экан. Гаплар оҳангидан Оқ ёр қишлоғида ва баъзи маҳаллалардаги ҳаммомлар ишламаётганлиги, кийимларни кимёвий тозалаш пунктлари очилмаганлиги, 8 та маҳалла йиғинлари биносидан атиги 3 тасида телефон ишлаётганлиги ойдинлашди.

Муаммо кўндаланг қўйилади

Куйганёр шаҳарча фуқаролар йиғинига равона бўлдик. Мавзега Мансурбек Солиев раислик қиларкан. Бу ерда 11 минг нафарга яқин аҳоли умргузаронлик қилади. Шаҳарда аҳолининг ижтимоий ҳимоясини яхшилашда бир мунча ишлар қилинаётганлигидан хабардор бўлдик. «Навбаҳор» каби барпо этилган янги кўчалар ҳисобига шаҳар энига ва бўйига кенгаймоқда. 60 ўринли қишлоқ врачлик пункти тиббий хизматидан шаҳарликлар мамнун.

Афсуски, шаҳардаги айрим мутасадди ташкилотларнинг бепарволиги билан аҳолини тоза ичимлик сув, табиий газ билан таъминлаш масалалари ечимини топмаётир. Юқорида зикр қилинган янги мавзелардаги сансалорликлар жабрини аҳоли тортаяпти. «Обиҳаёт» кўчасидаги ҳозиргача 50 фоиз аҳоли сувни ариқдан ичади. Тоза ичимлик сув тармоқларини хонадонларга тортиш ишлари баҳордан буён пайсалга солинади. Газ таъминоти ҳам аянчли аҳволда.

«Ирригатор» даҳасида икки қаватли 16 хонали 2 та «дом» шаҳар уй-жой фонди рўйхатида туради. Турар-жойларни кузги-қишки мавсумга шайлаш даврида бу уйлар қозонхонага уланмаган, сув қувурлари илма-тешик бўлиб ётибди. Қиш фасли бошланиши билан иккинчи қаватдаги аҳоли бидон ва челакларга сув ғамлашга тушади. Чунки сантехника иншоотлари совуқда музлаб, ишламай қолади.

Аҳолининг маиший хизмат бўйича ариза ва шикоятлари билан танишаётиб, шаҳардаги «Дарёбўйи» маҳалла фуқаролари йиғини раиси Султонхон Тожибоеванинг ахбороти билан танишдик. Фуқаролар йиғини раиси Мансурбек Солиевга ёзилган баённомада С.Зуннунова, С.Раҳимов кўчаларидаги хонадонларда жорий йилнинг апрел-май ойлари мобайнида умуман газ ёнмаганлиги маълум қилинди. Ана энди «зангори олов»га ишониб на ўтин ва на кўмир жамғарган шаҳарликларни кўз олдингизга келтиринг. Газ оқими ойлаб хонадонда ёнмаса-ю, айрим «ишбилармонлар»нинг пинхона иссиқхона, оҳак пишириш цехларида газ гуруллаб алангаланса, дардингизни кимга айтасиз.

Собиржон РЎЗИМАТОВ,
«Ишонч» мухбири

Денов туманидаги «Гулнора» хусусий фирмасида айни пайтда юз нафардан зиёд хотин-қизлар меҳнат қилишмоқда. Чеварлар аҳолига 24 турдаги юксак сифатли маҳсулотларни етказиб беришмоқда. Харидорлар уларнинг тиккан маҳсулотларини севиб харид этишмоқда.

Суратларда: илғор тикувчилардан Раъно Орипова ҳамда Барно Талаевалар.

И.ҲАСАНОВ олган суратлар

ЧИҚИНДИДАН ДОРИ-ДАРМОН

Косонсой туманидаги «NAM-KON» хусусий фирмаси мева ва сабзавот шарбатлари, уларнинг аралашмаларини ишлаб чиқаради. Жамоада 55 нафар кишлоқ ёшлари меҳнат қилишмоқда. Айни пайтда корхонада беш хил маҳсулот тайёрланмоқда.

Ўтган саккиз ойда тайёрланган 60 миллион сўмлик шарбат ва қиём мамлакатимиз ва қўшни Қозоғистондаги истеъмолчиларга етказиб берилди. Яқинда бу ерда чиқиндидан дори-дармон ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

– Изланишлар олиб бориб, корхонамизни йилдан-йилга ривожлантириб бораяпмиз, - деди хусусий фирма раҳбари Қодирхон Муталов «Туркистон-пресс» мухбирига. – Айни пайтда Ўзбекистон Фанлар Академияси полимерлар кимёси ва физикаси институти билан ҳамкорликда иш олиб бориб, пектин препаратлари тайёрламоқдамиз. Институт олимлари корхонамиз чиқиндиларидан ҳавоси радионуклид ва оғир металл зарраларига тўйинган, минтақалар аҳолиси касалланишини олдини олишга кўмак берувчи модда ишлаб чиқариш мумкинлигини айтишди. Бундай табиий препаратларни анъанавий дори-дармонлар қаторида ишлатиш даволаш жараёнининг самарали ва қисқа бўлишига ёрдам беради.

«Туркистон-пресс»

ҚЎҒАЙДА ХУСУСИЙ ШИФО МАСКАНИ

Учқўрғон туманидаги Қўғай қишлоғида аҳоли тиғиз яшайди. Шу боис у ерда ўнлаб маиший ва савдо шохобчалари, бир неча саноат тармоқлари фаолият кўрсатмоқда ва улар сони тобора ортиб боряпти. Шу йилнинг ўзидагина ана шундай имкониятлар ҳисобига 150 нафар киши янги иш ўрнига эга бўлди. Табиийки, аҳоли сони ортган сайин тиббий хизматга эҳтиёж ўсиб бормоқда. Яқинда ўз фаолиятини бошлаган «Мухторжон» хусусий даволаш маскани ана шу мақсадга хизмат қилмоқда. Ушбу тиббиёт шохобчасига бир неча йиллик тажриба ва юқори малакага эга бўлган 10 нафар мутахассис танлов асосида ишга қабул қилинди.

Ж.ОБИДОВ

Қарор ва ижро

Вазирлар Маҳкамасининг «2003 йил пахта ҳосилини йиғиштириб олишнинг ташкилий чора-тадбирлари тўғрисида»ги карори жойларда қандай бажарилмоқда? Айниқса, пахтани қайта ишлаш корхоналарида ишловчилар учун етарли шарт-шароит яратилганми? Маъмурият ва касаба уюшма қўмиталари ўртасида тузилган жамоа шартномаларининг тўлиқ бажарилиши таъминланяптими? Наманган вилоятидаги бир қатор пахта тозалаш корхоналарида бу борада анчагина ишлар қилинган.

ИССИҚ ОВҚАТ ВА ЙЎЛ ХАРАЖАТЛАРИ

корхона ҳисобидан

«Уйчи», «Учқўрғон», «Қўғай», «Норинтола» ҳиссадорлик жамиятлари томонидан меҳнаткашларни ижтимоий ҳимоялашга, қолаверса, оммавий спорт тадбирларига катта эътибор қаратилмоқда. Жумладан, «Учқўрғон» пахта тозалаш корхонасида 311 ишчининг ҳар бири алоҳида ғамхўрлик қуршовига олинган. Ишчиларга уч маҳал иссиқ овқат ва йўл харажатлари корхона ҳисобидан қопланмоқда. Ҳар бир цехда дам олиш хоналари ташкил этилган. Вақти-вақти билан гўшт, сут маҳсулотлари бериб борилмоқда. Корхона қошида лимонария ташкил этилган. Бу ерда етиштирилган маҳсулотлар биринчи галда ишловчилар дастурхонига етказилмоқда. Маъмурият ва касаба уюшма қўмитаси жамоа шартномасига асосан ишловчилар махсус қишки-ёзги кийим-бош билан таъминланмоқда. Эндиликда бунинг учун иш кийимларини корхона қошидаги тикув цехида тикилиши йўлга қўйилди.

Маҳсулот сифати яхшиланиши ҳисобига корхонани кенгайтириш 44 кишини янги иш ўрни билан таъминлаш имконини берди. Шунингдек, ташхис марказида бепул хизмат кўрсатилмоқда. Ночор оилалар, камқонли аёллар ҳамда корхонада ишлаб нафақага чиққанларга алоҳида эътибор қаратилаётир. Ўтган йили икки боланинг суннат тўйи корхона ҳисобидан ўтказилган бўлса, яқинда 200 нафар пенсионер тўкин дастурхонга таклиф этилиб, совға-саломлар улашилди.

«Қўғай» ва «Норинтола» ҳиссадорлик жамиятларида олинган соф фойданинг асосий қисми дивидент сифатида ажратиляпти. Бу ишловчиларда ўз меҳнати самарасига бўлган ишончни мустаҳкамламоқда. Бироқ, ҳар тўкисда бир айб деганларидек, «Гулбоғ» пахта тозалаш корхонасида шартнома шартларининг бажарилишига ўта масъулиятсизлик билан ёндошилмоқда. Касаба уюшма қўмитаси етарлича талабчанлик, ташаббускорлик кўрсатмаётир. Корхонада ишловчиларга меҳнат ва дам олиш шароитларини яратишда етарли иш қилинмаётир. Аслида эса асосий эътибор меҳнат аҳлининг иш ва яшаш шароитини яхшилашга қаратилиши лозим.

Соҳиба АЪЗАМОВА, «Ишонч» мухбири

Ижтимоий ҳимоя

МУРАББИЙЛАР СИҲАТГОҲЛАРДА ДАМ ОЛИШДИ

Тасарруфимиздаги бошланғич касаба уюшма ташкилотлари саъй-ҳаракати билан соҳа ходимларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга жиддий эътибор қаратилмоқда. Хусусан, қўмитамизга моддий ёрдам сўраб мурожаат қилган 30 нафар ўқитувчи-мураббийга 10 минг сўмдан моддий ёрдам пули берилди. Шунингдек, соғломлаштириш ва дам олдириш бўйича тушган 38 та аризанинг 22 таси ижобий ҳал этилди. «Офтоб» болалар боғчаси фарроши Тожихол Номозова, 1-мактаб ўқитувчиси Сония Алимова кабилар вилоят миқёсидаги «Жайронхона», «Сурхон» сиҳатгоҳларида ҳордиқ чиқаришди. 15-,26-умумтаълим мактаби ўқитувчилари Бойқобил Бобомуродов, Йўлдош Жаппаровлар «Чинобод», 5-умумтаълим мактаби ўқитувчиси Норбой Худойқулов ва 6-мактаб ўқитувчиси Санобар Қўзиева «Умид гулшани» сиҳатгоҳларида соғлиқларини қайта тиклашди. Ўқитувчиларнинг 400 нафар болалари тумандаги умумтаълим ўрта мактаблари қошида ташкил этилган оромгоҳларда кўнгилли ҳордиқ чиқаришди.

Яқинда туманимизда ўқитувчиларнинг анъанавий спартакиадаси ўтказилди. Унда спортнинг шоҳмот-шашка, мини футбол, эркаклар ва аёллар ўртасида волейбол, стол тенниси турлари бўйича мусобақалар бўлиб ўтди. Ғоятда қизиқарли ва ҳаяжонли кечган мусобақаларда волейболдан эркаклар ўртасида 13-умумтаълим ўрта мактаби жамоаси, аёллар ўртасида 8-умумтаълим ўрта мактаб жамоаси ғолиб бўлишди. Шоҳмот бўйича 43-мактаб ўқитувчиси Омон Бозоров, аёллар гуруҳидан 51-мактаб муаллимаси Фотима Узоқовалар II ўринни эгаллашди. Спартакиада ғолиблари касаба уюшма қўмитаси ҳисобидан 350 минг сўмлик совға-саломлар билан рағбатлантирилди.

Бундан ташқари, қўмитамиз ташаббуси билан ўтказилган «Йил ўқитувчиси» кўрик-танлови ғолиблари – 13-мактаб ўқитувчилари О. Жўраева, Г.Пардаева ҳамда 20-умумтаълим мактаби ўқитувчиси М.Холмўминоваларга ҳам бир ойлик иш ҳақи миқдорида мукофот берилди. «Йил тарбиячиси» кўрик-танлови ғолиблари «Гулистон» болалар боғчаси тарбиячиси Г.Жўраева ҳамда «Ғунча», «Бойчечак» болалар боғчалари тарбиячилари Х.Хуррамова, Г.Эсоноваларга гилам совға қилинди. Шунингдек, қўмитамиз томонидан «Қувноқлар ва зукколар», «Сиз қонунни биласизми?» каби кўрик-танлов ғолибларини рағбатлантиришга ҳам катта эътибор берилмоқда.

Дониёр МАДАРТОВ, Қумқўрғон туман таълим ва фан ходимлари касаба уюшма қўмитаси раиси

«Беруний пахта тозалаш» очиқ турдаги акциядорлик жамиятида ишловчиларни ижтимоий ҳимоялаш намунали ташкил этилган. Жумладан, жорий йилда акцияларга дивидент тўлашда ўсиш кузатилди. Наминал қиймати 800 сўмни ташкил этган ҳар бир дона акцияга ажратилган дивидент 1655 сўмга тўғри келди.

ҲАР БИР АКЦИЯГА 1655 сўм дивидент

Корхона маъмурияти ва касаба уюшма қўмитаси олинган 26 миллион 300 минг сўм соф фойданинг анчагина қисмини ишчиларни ва уларнинг оила аъзоларини, илгари шу ерда ишлаб кетган пенсионерларга моддий ёрдам сифатида ажратди. Бундан ташқари ҳиссадорлик жамиятида ишчи-хизматчиларнинг ишлаши, дам олиши ва кўнгилочар машғулотлар билан шуғулланиши учун барча шароитлар яратилган. Иш жойлари янги мавсумга замонавий талаблар даражасида шай ҳолатга келтирилди. Дам олиш хоналари қайтадан жиҳозланди. Спорт майдонлари машғулотлар ўтказишга шай қилиб қўйилди.

Бу ерда ишчи коржомалари ва бошқа тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқарилмоқда. Айни чоғда цехда ишловчилар сони 12 нафарга етди.

Ялғош САРИЕВ, «Ишонч» мухбири

Қиш тайёргарликни ёқтиради

МАВСУМ КЎНГИЛДАГИДЕК ЎТАДИ

Куз мавсуми бошланиши билан коммунал хизмат ходимларининг юмушлари бир мунча ортади. Чунки қишгача барча иситиш ускуналарининг бир маромда ишлаши, кўп қаватли биноларнинг таъмирланиши электр энергия билан узлуксиз таъминланиши керак.

Ана шуларни ҳисобга олган Муборак шаҳридаги уй-жойлардан фойдаланиш «Кўп тармоқли» очиқ акционерлик жамияти ишчи-хизматчилари мавсумни кўнгилдагидек ўтказиш учун ҳозирданоқ барча чора-тадбирларни кўриб қўйдилар.

Мазкур жамоа асосан Муборак нефт-газ конлари бошқармаси унитар корхонаси тасарруфидаги биноларга хизмат қилади.

Шаҳардаги 93 та кўп қаватли уй марказий қозонхона орқали иситилади. Ҳозирда у тўлиқ таъмирдан чиқарилиб, мавсумга 100 фоиз тайёр қилиб қўйилди. Жамоа «Обод маҳалла йили»да шаҳарни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш борасида ҳам кўпгина ишларни амалга оширмоқда.

Корхонада меҳнат қилаётган 545 нафар кишини ижтимоий муҳофазалашга ҳам жиддий эътибор бериляпти. Хусусан, ишчи-хизматчилар соғлиғини мустаҳкамлаш масаласи доимий эътиборда.

– Мақсадимиз – аҳолига коммунал хизмат кўрсатиш сифатини оширишдир. Шу боис сув, газ, электр энергиясидан тежаб-тергаб фойдаланиш учун ҳисоблагичлар ўрнатдик, - дейди корхона раҳбари Мейли Йўлдошев.

Корхона маъмурияти ва касаба уюшма қўмитаси хайрли ишлардан ҳам четда қолаётгани йўқ. Жумладан, шаҳардаги «Орзу», «Бойчечак» болалар боғчалари оталиққа олинган. Бундан ташқари кам таъминланган оилаларга имкон қадар ёрдам кўрсатилаяпти.

Акмал АЛЛАМУРОДОВ, «Ишонч» мухбири

Тошкентдаги "Дедеман Silk Road" меҳмонхонасида республика "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамда Корея республикаси LG Elektronics компаниясининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси "Ўзбекистонга меҳр билан" дастури доирасида "LG гранти" ва "Йилнинг энг яхши ғояси" тақдимотлари ўтказилди.

ЙИЛНИНГ ЭНГ ЯХШИ ҒОЯСИ

Ижтимоий дастурларни амалга ошириш Ўзбекистон ҳукуматининг инсон ресурсларини ҳамда мамлакатнинг келгуси салоҳиятини ривожлантириш мақсадлари билан ҳамоҳангдир. Ушбу таълим тадбирлари Ўзбекистон ва Корея ўртасида икки томонлама муносабатларни кучайтиради. Шунингдек, янги ғояларга интилган, мустақил илмий изланишларни олиб бориш имкониятларини қидираётган истеъдодли ижодий ёшларни қўллаб-қувватлайди.

- Ижтимоий дастурларнинг асосий вазифаси, LG компанияси фойдасининг бир қисмини жамиятга қайтариш йўли билан Ўзбекистон халқи жаҳон ҳамжамиятига тенг шерик сифатида кириши учун ёш авлоднинг равнақига ва ўқитишга ўз улушини қўшишдир- деди LG Elektronics компанияси ваколатхонасининг раҳбари, жаноб К.Ю. Жанг "Туркистон-пресс" мухбирига.

Тақдимот маросимида таъкидланганидек," LG гранти"дастури Тошкент шаҳрининг ўнта етакчи олий даргоҳларининг бакалаврлари ўртасида ўтказилади ва "LG гранти"ни олишга даъвогар бўлган ўнта талаба аниқланади.

"Йилнинг энг яхши ғояси" танлови Тошкент шаҳрининг ўрта таълим мактаблари ўқувчилар ҳамда олий таълим даргоҳлари талабалари ўртасида ўтказилади. Танловда ғолиб бўлган муаллифларнинг лойиҳаларига эгалик ҳуқуқи LG Elektronics компаниясига тегишли бўлади. Компания муаллифнинг розилиги билан тавсия этилган ғоялардан келгусида фойдаланиши ва уларни ҳаётга татбиқ этиши мумкин. "Йилнинг энг яхши ғояси" танлови доирасида Гран-при мукофоти берилади. Гран-прига сазовор бўлган энг яхши ғоя муаллифи LG Elektronics компаниясининг мукофотини олади.- Бу Кореяга сафар ҳамда махсус мукофот - LG проекцион телевизоридир.

"Туркистон-пресс"

Меҳнат муҳофазаси

ТИЙИННИ ТЕЖАЙМАН ДЕБ

миллионларни бой бераётганлар

Меҳнат муҳофазаси ким учун керак? Бу муҳим тадбир кимнинг назоратида бўляпти? Бу масала аввало вилоят ҳокимлиги назоратига олинди. Негаки қатор ташкилот ва корхоналарда бевосита меҳнат муҳофазаси, техника хавфсизлиги муҳандиси лавозими қисқартирилган. Борлари ҳам қўл учида иш юритиб, раҳбарлар югурдагига айланиб қолди. Охир оқибатда қонун талабларини бажаришда сансалорлик, боқибеғамлик илдиз ёза бошлади. Шу боис бундай масъулиятсизликка чек қўйиш, меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун ижросини таъминлаш юзасидан аниқ чора-тадбирлар кўрилди. Хусусан, вилоят ҳокимлигининг шу йил 4 февралдаги махсус қарори меҳнат муҳофазасига дахлдор, назорат органлари меҳнат жамоалари зиммасига катта вазифалар юклади.

– Қарордан сўнг барча корхона ва ташкилотларнинг техника хавфсизлиги муҳандислари аттестация қилинди. Кўплаб корхоналарда муҳандис лавозимлари қайта тикланиб, фаолият юритишга тўла шароит яратилди, – дейди Сирдарё вилоят меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бошқармасининг бош меҳнат техника нозири Бобо Низомов. – Меҳнат муҳофазасига доир кўргазмали семинарлар ўтказилди. Хавфсизлик қоидаларига доир ўқувлар ташкил этиш, кундалик юмушга айланди.

Дарҳақиқат, бу борада муз кўчди. Аммо бу чоққача анчагина аччиқ сабоқлар, мушоҳада қилса бўладиган ҳодисалардан кўз юмиб бўлмайди. Негаки кейинги уч ярим йил мобайнида 60 нафардан ошиқ киши иш вақтида олган тан жароҳати туфайли ногиронлик нафақасига кузатилди. Корхона ва ташкилотлар хавфсизлик чораларини кўрмаганлиги оқибатида жабрдийдаларга 115 миллион сўмдан зиёд товон тўлашга тўғри келди.

Бир тасаввур қилинг, шунча маблағ меҳнат муҳофазасига, техника хавфсизлиги чораларини яхшилашга сарфланганда, қанчадан-қанча ишчи ногирон бўлмас эди. Афсуски, қатор корхона ва ташкилотлар тийинни тежайман деб миллионларни бой беряпти. Ҳаммасидан ҳам жабр кўрган инсон тақдири, унинг оиласи йўқотишини ҳеч нарса билан қоплаб бўлмайди. Оддий бир мисол, ўтган фурсатда Агросаноат тизимида хизмат қилувчи 10 та оила боқувчисидан ажралиб қолди. Тармоқнинг миллион-миллион пуллари товон тўлашга йўналтирилди.

Айрим ташкилотлар хатолардан хулоса чиқариш, уларнинг олдини олиш чораларини кўришда лоқайдлик кўрсатмоқдалар. Шундайлардан бири Гулистон тумани машина-трактор парки маъмуриятидир.

Масалан, корхонанинг «Магнум» трактори ҳайдовчиси Икром Йўлдошев бошқарувидаги техникани тунда зовур бўйлаб бошқариб бораётган чоғида, бехосдан зовурга қулайди. Оқибатда трактор бўлган икки нафар йўловчи ҳам жабр кўради. Ваҳоланки, механик ҳайдовчи транспортнинг бу турига одам олиши мумкин эмас эди. Қолаверса, тунда юришнинг ўзиёқ қоидага зид. Бу фожеадан тегишли хулоса чиқарилмади. Оқибатда шу йилнинг ғалла ўрим-йиғим мавсумида яна бир бахтсиз ҳодиса рўй берди. Корхонага қарашли «Кейс» ўрим комбайни ҳайдовчиси оддий меҳнат хавфсизлиги қоидаларини билмаслиги оқибатида «Уч қаҳрамон» хўжалиги ишчиси Ж.Меликуловга тан жароҳати етказди.

Вилоятда фермерлик ҳаракати кенг қулоч ёйган. Шу боис мулк эгалари ўз техникасига эга. Аммо улар ундан фойдаланишда беэътиборликка йўл қўйишмоқда. Ваҳоланки, қонун давлатми, нодавлат ташкилотлигидан қатъий назар барчага баробардир. Шу ўринда бир мисол. Гулистон туманидаги «Ал-барака» фермер хўжалиги раҳбари К.Қобулов техника бошқаришга ваколати йўқ, ҳеч қаерда ўқимаган ва ҳайдовчилик гувоҳномаси бўлмаган Жалолиддин Ражабалиевни ишга олган. Фермер топшириғига биноан техник «ҳайдовчи» ғўза қатори ораларига ишлов беришга киришади.

Шу йилнинг 18 июн куни тунининг дим ҳавоси Жалолиддинни толиқтириб қўяди. У тунги соат бир яримларда амакисининг ўғли Ҳасан Ражабалиевни ёрдамга чақиради. Ўзи эса қатор ораларига ётиб пинакка кетади. Ҳасан ҳам трактор ҳайдаб чарчаган чоғи қаторларни юмшатаётиб, ерда ухлаётган отасининг устидан қандай босиб ўтганлигини ҳам сезмай қолади. Фермер «пул беряпманку, ишласинда» деган гапи фожеага доя бўлган. Устига-устак иш берувчи сифатида бахтсиз ҳодисадан сўнг қонунда белгиланган мажбуриятларни ҳам бажаришдан бўйин товлаш пайида бўлган. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Аммо кўнгилсизликни қайд этиш билан мурод ҳосил бўлмайди.

Ҳокимликнинг бу борадаги махсус қарори ҳам меҳнат муҳофазасини янада кучайтиришга қаратилган. Шунга қарамасдан вилоятдаги айрим меҳнат жамоалари раҳбарлари тегишли хулоса чиқариб ололганларича йўқ. Вилоят бош меҳнат техника нозири маълумотига кўра «Сирдарётранс», нефт маҳсулотлари, «Қишлоқхўжаликкимё» корхоналари, Ширин, Янгиер шаҳарлари, Меҳнатобод туман марказий шифохонаси, қатор қурилиш ташкилотларда кўп бора огоҳлантиришларга қарамасдан меҳнат муҳофазаси талаблари ижросиз қолиб кетаётган экан.

Н.ШАМСИЕВ, «Ишонч» мухбири

2003 йил-Обод маҳалла йили

«ЗАКОВАТ» КЎМАГИ БИЛАН

«Заковат» ижтимоий жамғармаси бир неча йилдан буён Германиянинг Конрад Аденауэр халқаро жамғармаси билан ҳамкорликда қишлоқ маҳаллалари инфратузилмасини яхшилаш, ёшлар учун иш ўринлари яратиш лойиҳаси борасида иш олиб бормоқда. Лойиҳада мамлакатимиз вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикасидаги тўккиз маҳаллани табиий газ, ичимлик суви ва электр энергияси билан таъминлаш кўзда тутилган.

Ғиждувон туманидаги «Зарангари» фуқаролар йиғинига қарашли маҳаллаларда ичимлик сув таъминотини яхшилаш мақсадида икки ярим миллион АҚШ доллари маблағ ажратилади. Шунингдек, маҳаллада табиий газ тармоқлари ва электр энергияси тизимларини таъмирлаш, қайта қуриш ишлари амалга оширилади.

Ғиждувон қурилиш коллежида «Зарангари» маҳаллаларидан йигирмадан зиёд йигит-қиз пайвандловчи, тикувчи-бичувчи, сантехник каби касблар бўйича уч ойлик ўқув курсини тугатиб, диплом олди. Ёшлар ўз касблари бўйича иш билан ҳам таъминланди.

«Заковат» жамғармаси Ғиждувон қурилиш коллежига компьютерлар ва бошқа замонавий ўқув жиҳозлари ҳам ҳадя этди.

(ЎзА)

Истиқлол берган имкон

СОҒЛОМ АВЛОД — ЮРТ КЕЛАЖАГИ

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг тиббий диагностик маркази ва спорт мажмуаси ишга туширилди

Мустақиллик йилларида аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, айниқса, ҳар томонлама баркамол авлодни шакллантириш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Шу мақсадда республикамизнинг барча вилоятлари, туман ва шаҳарларида, ҳатто энг олис қишлоқларда ҳам кўплаб замонавий шифохоналар, билим даргоҳлари, спорт масканлари қад ростлади. Энг оммавий жамоат ташкилоти хисобланган касаба уюшмалари ҳам меҳнаткашлар ва уларнинг фарзандларини соғломлаштиришдек ғоятда муҳим бу вазифани бажаришга муносиб хисса қўшиб келмоқда.

матликларини мустаҳкамлашдир, – дейди Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашининг маданий-маърифий ва спорт ишлари бўлими мудири Асқарали Султонов. – Бундан буён ушбу мажмуа халқаро мусобақаларда Ватанимиз байроғини баланд кўтарадиган истеъдод эгалари учун маҳорат майдони бўлиб хизмат қилади. Негаки, эндиликда Тошкент шаҳрида жойлашган касаба уюшмаларига қарашли БЎСМларнинг ёш футболчилари, теннисчилари шу ерда машғулот олиб боришади. Машғулотларга энг тажрибали мураббийлар жалб этилади. Бундан ташқари, тармоқ ходимлари ўртасидаги турли спартакиадалар, турнирлар ҳам айнан шу замонавий спорт мажмуимизда ташкиллаштирилади.

Куни кеча пойтахтимизда касаба уюшмаларига қарашли иккита иншоот фойдаланишга топширилди. Тиббий диагностик марказ сўлим табиат қўйнидаги «Турон» санаторийси қошида ишга туширилган. У уч қаватли муҳташам бинода жойлашган бўлиб, икки йил давомида қуриб битказилди. Бу шифо масканида даволанувчилар учун барча замонавий қулайликлар яратилган. Даволаш-муолажа хоналари сўнгги русумдаги тиббиёт асбоб-ускуналари билан жиҳозланган. Хуллас, марказда беморлар ўз дардларига даво топишлари шубҳасиз.



Пойтахтимизнинг Яккасарой туманида жойлашган «Яккасарой» спорт мажмуи кенг кўламда олиб борилган таъмирлаш-қурилиш ишларидан сўнг ажойиб кўриниш касб этди.

– Спорт мажмуини ишга туширишдан кўзда тутилган асосий мақсад меҳнаткашлар ўртасида оммавийликка эришиш орқали уларнинг салоҳ ва имкониятларини ошириш, – дейди Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг раиси Ғайрат Ҳасанов. – Ушбу мажмуа ҳозирги замонда ҳеч ким учун сир эмас, ҳаммамиз биламиз, ҳеч ким ҳеч нарсадан ҳоли эмас. Ҳаммамиз ҳаётимизнинг ҳар бир лаҳзасини ўтказишимиз учун

«Олтин олма, дуо ол, дуо олтин эмасми», дейди доно халкимиз. Халкнинг эътиборига сазовор бўлиш, оғир ва қийин кунларда корига яраш ҳар кимнинг ҳам кўлидан келавермайди. Одамлар бозор шароитига мослашаётган шу кунларда бундай хайрли, эзгу аъмоллар, айниқса, қадрли.

САХОВАТПЕША ОИЛА

Косон туманининг Месит маҳалласи Қашқадарё вилоятидаги йирик аҳоли масканларидан. Қадимий тарихга эга бўлган бу кўркам гўшада 3 мингдан ортиқ фуқаро умргузаронлик қилади. Ўзининг обод гузари, савдо-тижорат, маданий-маиший хизмат кўрсатиш тармоқларига эга бўлган маҳалла республика ва вилоят кўрик-танловларида қатнашиб, бир неча марта ғолиб чиққан.

Савоб

Чори бобо Ҳақбердиевлар хонадони шаҳардаги пиру-бадавлат оилалардан. Умри халққа хизмат йўлида ўтган олийҳиммат инсоннинг фарзандлари ҳам одобли, ақллиҳушли бўлиб ўсишган. Катта-кичикнинг ҳурматини жойига қўйишади.

– Йилнинг бошида отахоннинг фарзандлари ҳузуримга келишди, - дейди маҳалла оқсоқоли Мурод Ҳоликов. – Ҳашар йўли билан болалар боғчаси қурмоқчи эканликларини эшитиб, қувониб кетдим.

Бозор иқтисодиёти жараёнида ҳар ким ўзининг ташвиши билан банд бир пайтда кайвони бобонинг фарзандлари Сайфулла ва Фарҳод маҳаллада 90 ўринга мўлжалланган болалар боғчаси қуриш ташаббуси билан чиқишди. Хайрли ишни туман ҳокимлиги, «Маҳалла» жамғармаси раиси Нормурод Ҳамроевлар якдиллик билан қўллаб-қувватлашди. Янги болалар муассасаси қурилиши бошланиб кетди.

– Мустақилликка эришганимиз, ўзлигимизни таниб, миллий қадриятларимиз улуғланаётганидан бошим осмонда, - дейди пиру-бадавлат отахон. – Ҳалол меҳнат қилиб топган сармоя эл-юрт фаровонлиги йўлида сарфланаётганидан мамнунман.

Чори бобо Ҳақбердиевнинг Косонда ўзига яраша ҳурмат-эътибори бор. Ёшу қари уни «саховатпеша инсон» деб улуғлайди. Мана бир неча йилдирки, маҳаллада яшайдиган юздан ортиқ кам таъминланган оилаларни иқтисодий жиҳатдан қўллаб-қувватлаб келаяпти. Қалби дарё, меҳри дунё отахон фидойилиги ва меҳнатсеварлиги, камтарлиги ва одамохунлиги, сахийлиги ва кишиларга меҳрибонлиги билан ном қозонган.

Ўн бир ўғил-қиз, юзга яқин невара-эваралар ардоғида бахтли кексалик гаштини сураётган Чори бобо фарзандлари камолидан суюнади, қалби фахр-ифтихорга тўлади.

Отанинг ўғиллари Сайфулла ва Фарҳод боғча қурилишида масъуллик қилишди. Жажжи болажонлар ҳордиқ чиқариб, камол топадиган янги иморат бунёд этишга оила бюджетидан 85 миллион сўм маблағ сарфланди.

Мустақиллигимизнинг 12 йиллиги байрам қилинаётган кунларда Косонда яна бир муҳташам бино қад кўтарди. Унга «Истиқлол» деб ном беришди. Боғчада болажонларнинг дам олишлари, жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишлари учун барча шароитлар яратилган.

– Ота-боболаримиз азалдан умрибоқий иморатлар бунёд этиб, авлодларга қолдиришган, - дейди биз билан суҳбатда отахоннинг катта ўғли Сайфулла. – Уларнинг эзгу амаллари олдида бизнинг ишимиз дарёдан бир томчи, холос.

Жажжилар маскани мурғак ўғил-қизларнинг шўхшодон кулгуларига тўлди. Боғча мудираси Жамила Неъматова раҳбарлик қилаётган мураббийлар болаларнинг соғ-саломат, руҳан ва жисмонан бақувват ўсишлари учун ҳамиша парвона.

Иззат ҲИКМАТОВ,
«Ишонч» мухбири

ДОНОЛАР ЎГИТИ

Оқила рафиқам! Агар эринг ёнингда бўлишини истасанг, шунинг пайига тушгинки, токи у ҳеч ерда сенинг ҳузурингдаги каби роҳат-фароғат ва мулойимликка дуч келмасин.

ПИФАГОР

ФУТБОЛ ҲАНГОМАЛАРИ

- Анави чап қанот ҳужумчисига аъло даражада ўйин кўрсатиш учун фақат икки нарса етишмаяпти.

- Нима экан?

- Бош билан оёқ.

* * *

- Нима учун аёллар футболи ривожланмаяпти?

- Ҳайрон қоладиган жойи йўқ. Бир кийимда чиқишга рози бўладиган ўн бир аёлни топиш осон эмас-да.

* * *

- Биласизми, бошлиқ мени иш вақтида футболга борганим учун мукофотдан маҳрум қилди.

- У қаёқдан билибди?

- Ёнимда ўтирган эди.

* * *

Шайтонлар фаришталарга футбол ўйнашни таклиф этишди.

- Биз розимиз, - дейишди фаришталар.

- Ютуқ аниқ бизники...

- Эҳтимол, - тортишиб ўтирмасдан шайтонлар, - аммо хамма ҳакамлар ўзимиздан бўлади.

* * *

Телевизорда кубок учун финал учрашувини кўрсатишарди. Қўшни эшикни тақиллатди:

- Сизникида телевизор кўрсам майлими?

- Бемалол, нима, ўзингизники бузилдими?

- Йўқ, бизнинг хонадонда ёнғин бошланиб қолди.

ЧЕМПИОНЛАР ТАНТАНАЛИ КУТИБ ОЛИНДИ

Аввал хабар берганимиздек, АҚШнинг Нью-Йорк шаҳрида эркин кураш бўйича жаҳон чемпионати баҳслари ниҳоясига етди. Унда юртимиз спортчилари мунсоиб иштирок этдилар.

Кеча оқшомда Тошкент халқаро аэропортида жаҳон чемпионлари тантанали кутиб олинди. Карнай-сурнай садолари остида тайёрагоҳ кутиш залига кириб келган чемпионлар Давлат спорт қўмитаси вакиллари, қариндош-уруғлари ва журналистлар қуршовида қолди.

– Мен ушбу ғалабамни юртимизнинг 12 йиллик байрамига тўёна этганимдан жуда хурсандман, - дейди жаҳон чемпиони Дилшод Мансуров. Фурсатдан фойдаланиб,менга катта ёрдам берган устоз ва мураббийларимга, тайёргарлик жараёнида қулай шароитлар яратиб берган касаба уюшмалари жисмоний тарбия ва спорт жамиятига миннатдорчилигимни билдираман. Келгуси мусобақаларда юртимиз байроғини янада баланд кўтаришга ваъда бераман.

Катта спортга зафарли қадами билан кириб келаётган келеслик бу иқтидор эгаси эндигина 20 ёшни қаршилади. Шубҳасиз, унинг спортдаги юлдузли онлари ҳали олдинда. У ҳозирданоқ Афина-2004 олимпиада ўйинларига ҳозирлик кўра бошлаганини мамнуният билан хабар қилди.

Дилшоддан ташқари яна икки спортчимиз Афина йўлланмасини қўлга киритди. Улар 120 килограмм вазнда жаҳон чемпиони бўлган Артур Тоймазов ҳамда чемпионатда бешинчи ўринни эгаллаган Эгамназар Акбаровлардир. Шундай қилиб олимпиадачиларимиз сони 15 нафарга етди.

Абдулҳай ЮНУСОВ,
«Ишонч» мухбири

Газета саҳифаланаётганда



Турфа олам

ГЎЗАЛЛИК УЧУН ЭКИЛДИ

Япония қишлоқ хўжалик компанияларидан бири тарвузни кубок шаклида етиштириш усулини яратди. Тарвузнинг эни ва бўйи 35 сантиметрдан. Ғайритабиий тарвузларни етиштириш учун улар шиша яшикларда парвариш қилинган. Ўсиш жараёнида ҳосил аста-секин яшик ҳажми бўйича катта бўлади. Ноанъанавий усулда етиштирилган тарвузларни транспортда олиб юриш ва жойлаш ҳам анча қулайдир. Ана шундай антиқа тарвузлардан 800 донаси килограмм 200 доллар баҳосида савдо шохобчаларига жўнатилди. Қишлоқ хўжалик компанияси эса ушбу тарвузларни истеъмол қилиш мумкин эмаслиги ҳақида харидорларни ўз вақтида огоҳлантирди.

Бу тарвузларнинг фақат ташқи кўринишидан завқланиш мумкин экан.

ТЕВАРАКДА ҚОРА ҚАРҒА

Эски, деярли ярим қуриган ўрмон, узун дарахтзор кесиб ташланиши Молдованинг Фалент туманидаги Невернец қишлоғи аҳолисига кутилмаганда офат келтирди. Қишлоққа сон-саноқсиз қарға тўдаларининг ҳужуми бошланди. Маълум бўлишича, илгари қушлар дарахтларга уя қурган, тўда бўлиб яшаган ва ўрмон дарахтлари кесилгандан кейин улар бошпанасиз қолишган. Бундан «ғазабга келган» қарғалар ўч олиш мақсадида қишлоқ аҳолисининг боғларига ҳужум қилишади.

Кечаю кундуз қийқиришлари билан аҳолининг тинч-осойишта яшашига халақит бериб, мевали дарахт кўчатларига зиён етказа бошладилар.

Шу қишлоқда яшовчи Антон Шеремет баҳорда ажойиб воқеанинг гувоҳи бўлди. Кузда ўз қўли билан эккан икки юз дона ёнғоқ дарахтининг кўчатидан бирортаси ҳам қолмаган. Қарғалар ҳаммасини кўчириб ташлаган, фақат бўмбўш кўчат чуқурлари қолган эди холос. Қора қарғалар қишлоқ аҳолисининг бошқа экинларига ҳам ҳужум бошладилар. Шунда маҳаллий ҳукумат аҳолига ёрдам қилиш мақсадида овчиларни ёрдамга чақирди. Бир неча кун қишлоқ устида милтиқлардан ўқ ёғдирилди.

Муҳсинжон АҲМЕДОВ тайёрлади

Ўқинг, қизиқ!

БОЙЛАР РЎЙХАТИ

Бугун дунёдаги энг бой кишилар Америкада яшашини, ҳатто ёш болакайлар ҳам яхши билади. Маълумки, дунё бойваччалари рўйхатини «Microsoft» компаниясининг раҳбари Билл Гейтс бошқариб бормоқда. Унинг ортидан яна бир АҚШ фуқароси, машҳур инвестор Уоррен Баффет жой олган. Шуниси қизиқки, рўйхатга киритилган дастлабки ўн нафар миллиардерларнинг фақат иккитасигина Америка фуқароси ҳисобланмайди. Улар германиялик ака-ука Карл ва Тео Альбрехт ҳамда шаҳзода Ал-Валид бен Талал ал-Сауддир. Саудиялик шаҳзода бу рўйхатда бешинчи ўринда турибди.

Сайёрамизнинг энг бой инсонлари рўйхатини тузиш билан шуғулланадиган «For-Bes» журнали маълумотларига кўра, бугун АҚШда 222 нафар миллиардер яшаши қайд этилган. Бу дунёнинг бошқа мамлакатларида такрор учрамайдиган ҳолатдир. Маълумотларни ўқиган киши, Шимолий Америка миллионерлар рўйхатида ҳам карвонбоши бўлса керак, деб ўйлаши табиий. Аммо улар қаттиқ янглишадилар. Бундай дейишимизга, бу борада фаол тадқиқотлар олиб борган «Merrull Lynchn» инвестиция банки ҳамда консалтинг компанияларидан бирининг эълон қилган маълумотлари асос бўлади.

Унга кўра 2002 йилда дунёда 1 миллион доллардан ортиқ бойликка эга бўлган 7,3 миллион киши истиқомат қилиши келтирилган. Миллионерларнинг энг кўпи Европада умргузаронлик қилаётган бўлса (2,6 миллион киши), Шимолий Америка қитъасида бундайлар 2,2 миллион кишини ташкил этади. Ваҳоланки, Осиё, Тинч океани ҳудудларида 1,8 миллиондан иборат миллионер бойлар яшайди.

Ер шарининг бошқа бурчакларида ҳисоб эса, мингларни ташкил этади. Тадқиқотчилар ҳисоби бўйича Лотин Америкаси ва Яқин Шарқ мамлакатларида 300 мингдан зиёд миллионерлар бор. Африкадаги бадавлатлар сони 100 мингга яқин.

Ўтган йил бадавлат миллионерлар сони жаҳонда 2,1 фоизга кўпайган. Бироқ, мутахассислар фикрича бу қарийб 7 йил ичидаги рейтинг ўсишининг энг паст кўрсаткичидир. Бунинг асосий сабаби жаҳон фонд бозорининг кучсизланиши ва кўплаб мамлакатлардаги ялпи ички маҳсулотлар ўсишининг пастлигидир.

Бунинг акси ўлароқ, катта бойлар ўтган йилда янада бойиб қолишди. Уларнинг пуллари 27,2 триллион долларга етди. Шу билан бирга бойларнинг 90 фоизи 1 миллиондан 5 миллион долларгача бойликка эгадирлар. «Энг бадавлатлар – уларнинг бойлиги 30 миллиондан ортиқдир ва улар 58 минг кишидан иборат. Ўтган йил миллионерлар клубига «кириш чиптасини» 222,5 минг киши қўлга киритган. Клубни 98 минг нафар бой тарк этишга мажбур бўлган. Уларнинг 88 минг нафари АҚШ фуқароларидир. Яна 10 минги Лотин Америкаси вакилларига тўғри келади. Европада миллионерлар сони кўпайган.

Улар Осиёдаги каби 100 минг кишига ошган. Тадқиқотчиларнинг таъкидлашича, америкалик бадавлатлар сонининг камайиши жараёнига фонд ва валюта бозорларидаги ҳолатлар таъсири катта бўлган.

АҚШ иқтисодиётининг барометри бўлган «Dow Johes» индекси мана учинчи йилдирки пасайиб бормоқда. 2002 йилнинг биринчи чорагидан эса АҚШ доллари қадрсизланиб бораётгани қайд этилган. Европада евро ҳамда фунт стерлингнинг кўчайиши бу ердаги миллионерларга кўл келмоқда.

Лекин, жорий йилнинг мартидан бошлаб «Уолл-стрит»нинг ўсиб бориши америкалик «камбағаллашган» бойлар ўз маблағларини яна қайта тиклаб олишига умид туғдирмоқда.

Ўзбекистон давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшма Марказий қўмитаси «Ўзагросуғурта» ДАСК Бухоро вилоят дирекцияси бўлими бошлиғи, тармоқ касаба уюшма Марказий қўмитаси аъзоси Муртазо Файзиевга турмуш ўртоғи **Нурзода БОЙМУРОДОВА**нинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

Ҳордиқ

ОВДА

катта кетиб бўлмайди

— Тулки овида бўлганмисиз? - сўраб қолди чотқоллик овчи Олтинбек. Болалиги тоғ ёнбағирларида ўтган бу йигит билан сафарда танишганмиз. Ўйлаб қарасам, турли-туман ҳайвонлар ва қушлар овига қизиқибману тулки тутишда иштирок этмаган эканман. Бир жиҳатдан тулки ортидан қувлаш негадир эриш туюлар, гоҳо кечалари автомобил йўлидан шарпадек «лип» этиб ўтиб думини судраганча ғойиб бўладиган, аслида дайди итдан фарқи йўқ бу ҳайвонни назаримга илмасдим. Аммо барибир, дам олиш кунингни телевизор олдида диққинафас ўтказгандан кўра, тулки овига бўлсаям борганинг маъқул. Сайр ҳам сайр, саргардон ҳам сайр, деганлар машойихлар.

— Очиқ ҳавода ёзилиб кетиш учунгина келдим, - дедим Олтинбекка очиғини айтиб. — Мен ҳақиқатда ҳаваскор овчиман, лекин тулки деган овсар маҳлуқингизни икки ҳатлашда эртакларда мақталган ўша узун думидан тутаман.

Олтинбек мириқиб кулди.

— Бўлмаса, милтиқни ташлаб кета қолайлик.

— Ихтиёрингиз, - дедим бепарвогина. Аммо дўстимнинг кулган ҳолатда милтиқни елкасидан олиб айвон устунига илаётганлигини кўриб қайтардим. — Йўғ-е, ҳазиллашдим. Милтиқ овчининг кўрки.

Олтинбек яшайдиган Дўланачек қишлоғи олмазор боғлар билан ўралган. Боғлар ортидан ўтган йўл арғамчидек чуваланиб юқорига қараб ўрмалайди. Олдинда бири иккинчисига мингашган тоғлар. Уларнинг кўриниши ҳайбатли зиналарни эслатади. Энг олдиндагиси пастроқ, ундан кейингиси биринчисига қарагандa анча тик. Энг охиригиси гўё осмон билан қўшилиб кетгандек, чўққилари баланд-баландларда ҳорғин сузаётган қорамтир булутлар орасига кириб йўқолади. Сал юргач, боғлар сийраклашади. Кўса соқолидек яккам-дуккам дўлана ва наъматак чакалаклари ўз ўрнини пастак тоғ арчаларга бўшатади. Ҳаво соф, осмон артилган шишадек тип-тиниқ.

Мен одатдагидек табиат манзарасига суқланиб борарканман, дўстим сўқмоқ четидаги тупроққа синчковлик билан тикилиб қолди. Оппоқ манглайида ипдек чуқур из солган ажин чуқурлашди. Демак, тош майдалари аралаш тупроқ узра нимани дир пайқаган, уни фақат синчков овчиларгина илғашади. Теварак атрофимизда шу сингари қанчадан-қанча сир-синоат яширинган. Бизлар эса бепарвогина ўтиб боравeрамиз.

Шундай қобилиятли кишилар борки, улар ҳар бутанинг туришидан, дарахт яproқлари ва шох-шаббаларининг жойлашувидан, оёқ остидаги эътиборсизгина босиб ўтилган чўп ва хас-хашаклардан кўп ажиб сирларни ўқийдилар, тегишли хулосалар чиқарадилар. Илк бора шерик сифатида овга чиққанимиздаёқ Олтинбекнинг ана шундай камёб фазилат соҳибларидан эканлигини пайқагандим.

— Вой айёр тушмагур-ей! - дўстимнинг пешонасидаги ажин ёзилди. — Ҳозиргина шу ерда экан. Чамаси, бизни кўрган ҳам. — Олтинбек жилмайди. - Хийлакорлигини қаранг, думи билан изини ўчиришгаям улгурибди.

— Шерлок Холмс бўлиб кетинг-е! — Олтинбек кўрсатган ерга эгилдим. Дарҳақиқат, баъзи жойларда панжасининг ўрни тушиб қолганлигини демасангиз, худди кимдир супурги билан атайлаб текислаб чиққандек.

— Энди қочиб қутилиб бўпсан, - овчи ишқибозларга хос кафтларини ишқалади. — Сен ҳар қанча айёрлик қилиб шохида юрма, биз баргида юрамиз.

Олтинбекнинг кайфиятига қараб менинг ҳам завқим келди. Ов гашти шу-да ўзи. Дарагини топдингми, бу серташвиш дунёнинг беҳисоб ташвишлари унутилади - қўяди. Борлиғинг кўз билан қулоққа айланади. Шу дақиқаларда умринг гўёки тўхтаб қолгану ўзга ҳисобдан яшаётгандексан. Дўстим тўлқинсимон из бўйлаб кетаркан, афсусланиб дедим.

— Эссиз, итингизни бошлаб келсак бўларкан.

Олтинбек кескин бош чайқади.

— Кераги йўқ, Юпитер тоқатсиз ит. Вовуллаб овни хуркитади.

Мен-ку аллақачон адашган бўлардим, бахтимга шеригим ҳушёр, сал қийшайган гиёҳ япроғидан, ўрнидан қўзғатилган чўпдан, силжиган тош парчаларидан режа олиб из қувишда давом этарди. Ниҳоят қўшалоқ қовундек юмалаб ётган харсанг парчалари ёнига етганида тўхтади.

Ҳар эҳтимолга деб бу ёғига чап берган, узоқдан қояга сакраган.

Олтинбек худди елкасида оғир юк кўтариб толиққандек икки биқинига панжаларини тираб тик қотди.

— Чучварани хом санабсан, сен шайтоннинг кучукбаччаси. Ерга кирсанг қулоғингдан, осмонга учсанг оёғингдан тортиб оламиз. Юмшоқ пўстининг орасига қўрғошиндан тумор тақмагунча тинчимаймиз.

У шундай деркан, кийикдек сакраб харсанглар оша тоғ ён бағрига ўрмалади. Мен уни қоралаб боравердим. Олтинбек кутилмаганда пастга томон йўл солди. Чакалаксор бошланишида учрашдик. Шу заҳоти шеригим маст одамдек қаҳ-қаҳлади.

— Вой айёр-ей, бизни роса «чув» туширибди-ю! Қаранг, айланиб-айланиб изини биринчи учратган еримизга келиб қолибмиз.

— Йўғ-е!

Шундай дедиму, атрофимизга қарадим. Тўппа-тўғри! Ана, хув нарида яккам-дуккам ўсган наъматак аралаш паст бўйли дўлана буталари. Биз дастлаб тўхтаган сўқмоқ қайрилишида ярми қуриган арчани учратган эдик. Қарангки қайтадан яна худди ўша ерда турардик. Мен ҳам унинг кулгисига қўшилдим.

— Ушланг думидан овсарни! — Олтинбек очиқ кўнгиллик билан менга киноя қилди.

— Тоғ тулкисининг ўзи шунақа ҳийлакор бўлади шекилли. — Айбимга икрор бўлдим. — Биз тарафдагиларининг итдан фарқи йўқ. Пахтазорда типратикандек оёғингиз остидан ўрмалаб чиқа беради.

— Чиқа бериши мумкин, аммо ўшаларни ҳам тутиш осон эмас, — Олтинбек тан бергиси келмади. — Бу ҳийлакорга шайтоннинг ўзи бас келмаса, унча-мунча одамни сувга бошлаб, суғормай қайтаради.

Шеригим шошилмасдан елкасидан милтиғини олди. Атрофига алангланди-ю арча чакалаклари ғуж ўсган харсангга қаратиб ўқ узди. Тош парчалари ва тупроқ чангиди. Сўнг харсанг тепасидан пастга тарақлаб тош тушгандек товуш эшитилди. Олтинбек ўша ёққа чопқилади. Ортидан мен ҳам ҳовлиқиб эргашдим. Иккинчи бор милтиқ гумбирлаганида аввалига қаёққа, қайси нишонга ўқ узилганлигини пайқамадим ҳам. Қияликдан оппоқ тош товушсиз юмалаб тушгандек бўлди. Шеригимга қарадиму тушундим. Олтинбек нишонни қойиллатган овчиларга хос милтиғи ўқ чиқарган қўндоқни пуфлаётганди. Ҳалиги оқ «тош» биздан сал нарида юмалаб бориб тўхтади. Шошилмасдан бориб қарадим. Бўйнидан яраланиб йиқилган тулки:

— Қойил! - дедим дўстимни олқишлаб. — Ҳар қанча чап берсаям сиздан қочиб қутилмади.

Олтинбек кулимсиради. Лекин мақтанишдан ўзини тийиб:

— Нимасини айтасиз! Овда катта кетиб бўлмайди. Буям бир омад. Аммо тан бериш керак, ахир, минг қилсаям тулки-тулки-да!

Обиджон ЖУМАНАЗАРОВ.

КРОССВОРД

Энига: 7.«Чолиқуши» романи муаллифи, турк адиби. 8.Кишиларнинг билим, маданиятини оширишга қаратилган таълим-тарбия. 10.Ер шаридаги энг катта ярим-орол. 11.Қамишзор маскан. 12.Экин ўриб-йиғиб олинган майдон. 13.Ўзбек ва тожик халқлари адиби. 15.Маугли исмли боланинг ҳайвонлар орасидаги ҳаётига оид асар муаллифи, инглиз адиби Нобель мукофоти номзоди. 17.Кола ярим оролидаги кўл. 19.Тошкент вилоятидаги кончилар шаҳри. 20.Атоқли ўзбек адиби «Адолат манзили» асари муаллифи. 24.Ҳамид Олимжон ёзиб қолдирган тарихий драма. 26.Чингизхоннинг тўрт ўғлидан иккинчисининг номи. 28.Ҳотам, сахий инсон. 29.Ов қуроли. 30.Темир йўл транспорти воситаси. 31.Ўзбек халқ эртакларида фирибгар, қозоқ ва қорақалпоқ халқ оғзаки ижодида эзгу ниятли қаҳрамон. 34.Қовун нави. 35.Отелло образини моҳирона ижро этган устоз театр санъаткори.

Бўйига: 1.Тошкент сув омборининг аввалги номи. 2.Қорақалпоғистондаги туман. 3.Куч ўлчов бирлиги. 4.«Шашмақом» таркибидаги мақом. 5.Портловчи қурол тури. 6.Марказий Осиёга хос узум нави. 9.Ишонтириш, таъсир этиш йўли билан инсонда ҳосил қилинадиган яқин уйқу ҳолати. 13.Қурилмалар мажмуи. 14.Балиқчиларга мансуб, ҳашаротлар билан овқатланадиган, саҳрода яшовчи тун қуши. 16.Оптик шиша. 18.Замбиядаги шаҳар. 21.Марказий Осиёдаги йирик олтин кони. 22.Баланд, мезана шаклидаги бино. 23.Фарғона водийсидан оқиб ўтувчи дарё, Сирдарё ирмоғи. 25.Қўшиқнинг такрорланадиган қисми. 27.Чотқол тизмасининг жанубий ёнбағридан бошланувчи дарё. 32.Ота, падар. 33.Хўл мева.

Фозилжон ОРИПОВ тузди



ISHONCH
МУАССИС: Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир ўринбосари Ғулом ЮСУПОВ

Таҳрир ҳайъати:
Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Мирғиёс Қаюмов (Бош муҳаррир), Зайниддин Рихсиев (бош муҳаррир биринчи ўринбосари), Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирзоҳид Содиқов, Шамсиддин Эсонбоев, Қудратилла Рафиқов, Мирфозил Олимов.

E-mail: ishonch@dostlink.net; ishonch1@dostlink.net

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-52-78; Хатлар бўлими 56-85-43; Реклама ва эълонлар бўлими (3712) 56-85-79.
Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган
Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди -

Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134
Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

«Шарқ» нашриёт—матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.

Тиражи: 9274 Буюртма Г— 717. 23456